

**“O‘zbekiston MET” AJ**  
**Кузатув кенгашига ҳисобдор**  
**Ички аудит хизмати аудиторларини**  
**ишга олиш бўйича**

**ТАЛАБНОМА**

**УМУМИЙ ТАЛАБЛАР:**

1. Иқтисодиёт, молия йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлиши (диплом мутахассислиги бўйича: молия ва кредит, бухгалтерия ва ҳисоб);

2. Йирик давлат корхоналарида ва Иқтисодий соҳаларда ички аудит, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ бир ёки бир нечта бўлимларда ёки ташқи аудитор лавозимларида камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиш.

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар бўйича тушунчага эга бўлиш;

4. Таваккалчиликка асосланган ички аудит тамойилларига эга бўлиш;

5. Хизмат сафарларига тайёр бўлиш;

6. Комплајенс-таваккалчиликни бошқариш назариясини билиш;

7 “Катта тўртлик” халқаро аудит-консалтинг компанияларида иш тажрибасига эга бўлиш.

Шу билан бирга, “ACCA”, “CFA”, “CPA” “CIA”, “CIPA”, “DipIFR”, “CRM” ёки “FRM” сертификатига эга бўлган номзодларга Комиссия томонидан устунлик тақдим этилиши мумкин.

8. Компютер техникаси ҳамда дастурларида (Давлатаудити ДМ, MS Office, Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint) мукамал даражада ишлай олиши.

9. Ўзбек тилини мукамал, рус ва бошқа чет тилларини ўрта даражада билган номзодлар ижобий баҳоланади.

**ЛАВОЗИМ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомда белгилаб ўтилган мажбуриятларни бажариши ва шу билан бирга;

- ички аудит хизматининг кузатув кенгаши олдидаги ҳисобдорлиги ҳамда ижро этувчи органдан мустақиллигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- амалдаги халқаро стандартларга мувофиқ таваккалчиликка асосланган ички аудитга ўтиш режасини ишлаб чиқиш ва кузатув кенгашига тақдим этиш;

- Жамият фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, манфаатлар тўқнашувини минималлаштириш учун ички ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- таваккалчиликни бошқариш ва комплајенс бўлимлари ҳамда бошқа таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- акциядорлар билан биргаликда хос бизнес жараёнларни ва рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- самарали ички назоратни ташкил этиш бўйича раҳбариятга маслаҳат бериш.

Ички аудит миллий стандартларида ҳамда ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасида белгиланган тартибда ички аудит тадбири давомида тайёрланган ҳужжатлар, аудит усули натижалари, баённомалар, далолатномалар, маълумотномалар, кўрсатмалар, ҳисобот, таклиф ва тавсиялар, таҳлиллар, чора-тадбир режаларини тайёрлаш;

Лавозим йўриқномасида белгиланган тартибда бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.